



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Фаргона вилоят худудий бошқармаси  
бошлиги  
Р.Холикназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Кува тумани Ифтихор МФЙ Лайлакуя кўчаси худудида яшовчи 1415 нафар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида куйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Кува тумани Ифтихор МФЙ Лайлакуя кўчаси аҳолисини бир кунлик сув сарфи  $105 \text{ m}^3$  хисобланиб, уланиш нуқтаси.1 Лайлакуя кўчаси худудидаги мавжуд сув ишоотига янги сув минораси ўрнатиш ва сув қудугидан атмосфера босими 0.5 ATM бўлган лойиха ва гидравлик хисоб китобларига асосан узунилиги 1 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж килиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегинши корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқишида тажрибали лойиха институтларини жалб килиган холда лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, курилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлашганига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета хужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилishi шарт. Акс холда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган қундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Кува бўлими бошлиги:



Т.Давидов

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
ИЧБ мухандиси:

М.Мухамадов